



# Аудиторская организация ООО "XB FINANCE KONSULTING"

г.Ташкент, Мирабаский район, Госпитальная 11/2, тел.:252-37-04 (97)376-44-41p/c 20208000604408712001

в ЧАКБ "DAVR BANK", МФО 01046, ИНН 205 666 530, ОКЭД 69202 e-mail: [XB.Finance-konsulting@mail.ru](mailto:XB.Finance-konsulting@mail.ru)

## «O'zkiyosanoat» Акциядор Жамиятининг 2019 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботига Ижобий фикр билдирилган

### АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

#### «O'zkiyosanoat» AJ Бошқарув раисига

#### Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхонанинг реквизитлари:

Корхона ва ташкилотининг  
тўлиқ номи  
Юридик манзили ва телефон  
рақамлари

«O'zkiyosanoat» AJ (кейинги матнларда «жамият» деб  
юрителилади)  
Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳари,  
Шайхонтохур тумани, Навойи кўчаси 38 уй.  
Тел: 8(371) 140 74 39.

Давлат томонидан рўйхатдан  
ўтган гувоҳнома

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар  
бошқармаси Шайхонтохур туман давлат хизматлари  
марказидан 08.05.2019 йилда 1405-сон билан рўйхатга  
олинган.

Банк реквизити

Ў/р 02100010412256900, АТБ «Саноат-қурилиш банк»  
нинг амалиёт бўлими, МФО 0044

СТИР

203621367.

#### Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Аудиторлик ташкилотининг  
тулик номи:  
Юридик ва почта манзили:  
Давлат руйхатидан  
утказилганлиги тугрисида  
маълумот:  
Аудиторлик фаолияти учун  
лицензия:

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги  
«XB FINANCE KONSULTING» аудиторлик ташкилоти  
Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кучаси 15-уй  
Юридик шахсни давлат руйхатидан утказиш тугрисида  
ГУВОХНОМА № 1018 2005 йил 11 майда берилган

Банк реквизитлари:

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2008  
йил 15 майда берилган АФ.00676-сонли "Барча хужалик  
юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви" утк азиш учун  
Лицензия

Асосий жорий ҳисоб рақами: 20208000604408712001 «Davr  
Bank» Чилонзор филиали (МФО:01046) ИНН:205666530,  
ОКЭД: 69202.

Аудиторлик ташкилоти  
директори:

Рузимов М.С. Аудитор малака сертификати №05540 2017  
йил 22 декабрда берилган

Аудиторлик текшируви  
рахбари:

Рузимов М.С. Аудитор малака сертификати №05540 2017  
йил 22 декабрда берилган

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANSE KONSULTING" аудиторлик ташкилотининг аудитори Рузимов М.С, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда берилган №05540-сонли «Аудитор малака сертификати»га ҳамда аудиторлик ташкилоти билан «O'zkiyosanoat» AJ ўртасида тузилган шартномага асосан «O'zkiyosanoat» AJ 01.01.2019 йилдан 31.12.2019 йилгача бўлган даври учун тузилган "Корхона баланси" – форма № 1, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" – форма № 2, шаклларида иборат молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «O'zkiyosanoat» AJ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «O'zkiyosanoat» AJ нинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Директор организаци:

АО ООО «XB FINANSE KONSULTING»



Рузимов М.С.